

Умму маъбад қиссаси ва ҳижратнинг биринчи йилидаги муҳим ҳодисалар



19:08 / 30.06.2020 2424

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва ҳамроҳлари юриб бориб, Хузоъа қабиласига мансуб Умму Маъбад исмли аёлнинг чодирини олди. У аёлнинг чодирини на таом ва на сув бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариб сутдан қолган совлиқнинг елинини муборак қўллари билан силадилар. Ундан сут отилиб чиқа бошлади. Ундан ўзлари ҳам ичдилар, бошқаларга ҳам ичирдилар. Сўнг юришда давом этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ясрибга киришлари

Ансорийлар Авс ва Хазраж қабилаларидан иборат бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келишларини интизорлик билан кутар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам етиб келганларида, кутиб олгани чиқдилар. У зотни жуда катта хурсандчилик билан «Мархабо» деб кутиб олдилар ва иззат-икром кўрсатдилар. Шу пайтгача уларнинг ҳаётида ҳали бу каби хурсандчилик бўлмаган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубога тушиб, тўрт кун турдилар. Ўша ерда Қубо масжидига асос солдилар. Пайғамбарликдан кейин биринчи асос солинган масжид мана шу эди. Сўнг уловларини миниб, Ясриб сари юришни давом эттирдилар. Қабилаларнинг одамлари у зотнинг туяларини юганидан ушлаб олишган эди. У зот эса: «Уни қўйиб юборинглар, унга амр қилингандир», дер эдилар. Туя бориб, Хазраж қабиласи, Бану Нажжор уруғининг бир жойига чўкди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Айюб розияллоҳу анҳунинг хонадонига тушдилар ва унда яшай бошладилар.

Ясрибнинг янги номи.

Ислом жамиятига асос солиш

Ясриб ўша кундан бошлаб «Мадинатун-набий (Пайғамбар шаҳри)» деб атала бошлади.

Мусулмонлар Маккада алоҳида исломий жамият қуриб яшамаган, у ерда уларнинг сони оз ва кучсиз ҳолда эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада неча-неча замонлардан буён тарих интизор бўлиб келаётган энг яхши жамиятнинг пойдеворини қўя бошладилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан